

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРАДОВА АДИБА ШЕРМАМАТОВНА**

**ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИНИ КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК БАШОРАТЧИЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)**

<b>Холмуродова Адиба Шермамовна</b> Цервикал интраэпителиал неоплазиянинг ривожланишини клиник ва генетик башоратчилари.....	3
<b>Холмуродова Адиба Шермамовна</b> Клинико-генетические предикторы формирования прогрессии цервикальных интраэпителиальных неоплазий шейки матки.....	25
<b>Kholmurodova Adiba Shermamatovna</b> Clinical and genetic predictors of the progression of cervical intraepithelial neoplasia of the cervix.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРАДОВА АДИБА ШЕРМАМАТОВНА**

**ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИНИ КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК БАШОРАТЧИЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1114 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиева Дилфуза Абдуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Надырханова Наталья Суратовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Саидазим Насырович Султанов**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи муассаса:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_ да мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек кўчаси, 132-а уй. Тел.:(+99871) 263-78-33; факс: (+99371) 263-84-83; e-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек кўчаси, 132-а уй. Тел.:(+99871) 263-78-33; факс: (+99371) 263-84-83.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Э.Ниязметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

**М.М. Файзырахманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, биологик фанлари номзоди

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бачадон бўйни касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий ютуқларга эришилганига қарамай, унинг патологияси ҳам назарий тиббиёт, ҳам амалий гинекология учун энг муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, "... дунё бўйлаб бачадон бўйни саратони аёллар орасида тўртинчи энг кенг тарқалган саратон тури ҳисобланади..."<sup>1</sup>. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бачадон бўйни саратонининг асосий сабаби юқори онкоген типдаги инсон папиллома вируси (ИПВ) ҳисобланади. Унинг киришига жавобан, цервикал интраэпителиал неоплазия ривожланади – CIN (cervical intraepithelial neoplasia). Маълумки, бачадон бўйни канцерогенезининг уч босқичи фарқланади - CIN1 (енгил дисплазия), CIN2 (ўртача дисплазия), CIN3 (оғир дисплазия).

Бутун дунёда бачадон бўйини саратони билан касалланишни камайтиришга қаратилган кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Адабиёт манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, бачадон бўйини саратони билан касалланишни камайтириш муаммосини ҳал қилиш усулларини бачадон бўйни саратон олди касалликларини олдини олиш, эрта ташхис қўйиш, ўз вақтида ва етарли даражада даволашда излаш керак. Шу билан бирга, бачадон бўйини саратони ривожланиши учун биологик субстрат бўлган бачадон бўйни шиллиқ қаватининг (КЯЭ) дисплазияси биологик хатти-ҳаракатларини етарли даражада олдиндан айтиб бўлмайдиган ва шунинг учун охирги вақтда ўсманинг агрессивлигини баҳолаш учун молекуляр генетик маркерларга катта аҳамият қаратилмоқда. Ҳозирги вазиятда бачадон бўйни дисплазиясининг ривожланиши ва авж олишига турли молекуляр генетик белгиларнинг ҳиссасини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга, бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси ривожланишининг клиник-генетик предикторларини ўрганишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига халқаро стандартларга мувофиқ кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда эрта ташхис қўйиш ва касаллик асоратларини камайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар "... хотин-қизлар учун юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни ошириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш, ўлимни камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгайтириш"<sup>2</sup> вазифаларини белгилаб беради.

---

<sup>1</sup> Sung H, Ferlay J, Siegel RL, Laversanne M, Soerjomataram I, Jemal A, et al. Global cancer statistics 2020: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. *CA Cancer J Clin.* 2021;71:209–49. doi:10.3322/caac.21660.

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2017 года N ПП-3071 "О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы".

Шунга асосланиб, бугунги кунда ИПВ нинг интраэпителиал дисплазия шаклланишидаги ролига ва унинг бачадон буйини саратони га айланишига бағишланган кўплаб тадқиқот ишларга қарамай, кўп масалалар ўз ечимини талаб қилади.

Ушбу диссертация тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ№-4947 сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги қарорлари ПҚ№-3071 сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси" ги Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ№-4891 сонли "Тиббий профилактика бўйича ишларни самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятга оид бошқа меъёрий ҳужжатлардар кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунгача жаҳон миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда цервикал интраэпителиал неоплазиялар прогрессиясида генетик детерминантларнинг роли ҳақидаги маълумотлар ноаниқдир (S.P. Dobbs et al, 2000; I. Diaz-Padilla et al, 2012; Z. Haiyan et al, 2017). Кўп муаллифлар қарашларига кўра, CIN ни ББС гача прогрессияси учун генетик хавф омилларини аниқлаш полиморфизм VEGFA (G634C), COL1A1 (C1997A), MMP-2 (C1306T) ва MMP-9 (A279G) полиморфизмини ўрганишга асосланиши мумкин. Ушбу генлар тўпламини ўрганиш CIN прогрессиясининг молекуляр асосини очишнинг кўплаб ҳал қилинмаган жиҳатлари мавжудлигини кўрсатиши мумкин (Discacciati et al., 2015). Шунга қарамасдан, инвазив саратонга қадар CIN нинг персистенцияси, регрессияси ёки ривожланишининг молекуляр генетик механизмлари ҳанузгача тўлиқ аниқланмаган (P. A. Cohen., 2019).

ИПВ инфекциясининг табиий кечиши тўғрисида когорт тадқиқотлар давомида олинган замонавий билимлар бачадон буйини саратони ривожланиши ҳақидаги анъанавий қарашларни биров ўзгартирди. 80% ҳолларда ИПВ ҳеч қандай клиник кўринишларсиз йўқолади, аммо 20% ҳолларда ЦИН ривожланиши доимий инфекция фонида содир бўлади. Продуктив инфекция фонида пайдо бўлган ЦИН 1 ва ҳатто ЦИН 2 нинг айрим турлари нисбий ижобий прогнозга эга ва уларни енгил жароҳатларга киритилиши мумкин.

Ўзбекистонлик олимлар Д.Ю. Юлдашева, Каримов Ҳ.Я., Нажмутдинова Д. К., Бобоева К.Т. ва бошқ .нинг бачадон буйини касалликларини ўрганишлари эътиборга молик, лекин ББ нинг рак олди ҳолатларининг клиник-морфологик жиҳатлари ҳозирда ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.

Тўпланган тажриба ва илмий-амалий тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда, у батафсил бачадон бўйни рақ олди касалликлар шаклланиши қонуниятларини аниқлаш ва бундай беморларнинг бошқариш тактикасини танлашда илованинг оптимал нуқталарини аниқлаш мақсадида онкомаркерларни прогностик аҳамиятини кенг ўрганиш долзарб саналади ҳамда акушерлик ва гинекологияда илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ, №ПЗ-2018-090921394 «Оналиқ ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2014-2018 йй) илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади:** бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларда айрим молекуляр-генетик маркерларнинг прогностик қийматини аниқлаш.

**Тадқиқот вазифалари:**

цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларда генератив анамнез ва соматик статус хусусиятларини ўрганиш;

цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларда гинекологик статус ва бактерио-вирусли инфекциянинг спектрини ўрганиш;

цервикал интраэпителиал неоплазиянинг турли оғирлик даражаси бўлган беморларда VEGF A (G634C), COL1A1 (C 1997 A), MMP-2 (C 1306 T) ва MMP-9 (A279G) генларининг генотипик вариантларининг тарқалиш частотасини ўрганиш;

аниқланган генотип қараб, цервикал интраэпителиал неоплазиянинг турли оғирлик даражаси прогрессиясининг диагностик мезонларини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти.** Диссертация иши енгил ва ўрта оғирликдаги цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган 102 беморни (асосий гуруҳ) ўрганиш асосида олиб борилди, назорат гуруҳи нормал кольпоскопик кўринишга, 2017-2020 йиллар давомида интраэпителиал неоплазия ва малигнизация хулосаси манфий бўлган 96 аёлнинг ўхшаш маълумотларидан иборат бўлди.

**Тадқиқот предмети** веноз қон, сийдик чиқариш каналидан, қиндан ажралма, биопсия пайтида олинган бачадон бўйни юзасидан ва бачадон бўйни каналидан суртма, бачадон бўйни тўқималарининг парчалари бўлди.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда умумий клиник, гинекологик, лаборатория-инструментал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

анамнезда уч ёки ундан ортиқ туғилишнинг кўрсаткичи ва бачадон бўйни шиллиқ қаватининг ўртача дисплази шаклланиши частотаси, жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг юқори частотаси, юқори онкоген турдаги инсон папилломавируси эса бачадон бўйни шиллиқ қаватининг

ўртача дисплазияси бўлган беморларнинг ярмида ташхис қўйилган. Бачадон шилиқ қавати ўртача дисплазияси бўлган беморларга нисбатан инсон папилломавирусининг частотасидан 2 баравар юқори;

ўзбек популяцияси беморларида биринчи марта VEGFA (G634C), билан аллел ташувчиси ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли ассоциация мавжудлиги, дисплази хавфининг ортиши, ноқулай генотипларни ташувчиларда ўртача цервикал дисплазия хавфини оширишга мойилликнинг мавжудлиги G /C ва C/C C/C ва VEGFA (G634C) полиморфизмининг CIN1 к CIN2 га ўтиш механизмларида иштирок этишини исботлайди;

биринчи марта G аллеллари ва A/G и G/G генотиплари ўртасидаги статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар ўзбек популяциясида MMP9 (A279 G) генининг полиморфизми билан аниқланди, бу эса уни прогностик генетик маркер сифатида аниқлашга имкон беради бачадон бўйни шиллиқ қаватининг ўртача дисплази ривожланиш хавфи юқори;

COL1A1 (C1997A), полиморфизм хусусиятлари, шунингдек, турли даражадаги бачадон бўйни шиллиқ қаватининг дисплази бўлган беморларда MMP2 (C1306T) полиморфизм варианты бўйича тадқиқотлар ушбу генларнинг аллел ва генотипик вариантларини ташувчисида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар йўқлигини тасдиқлайди. Натижалар COL1A1 (C1997A) и MMP2 (C1306T) генларининг полиморфизм вариантларини цервикал дисплазия шаклланишининг генетик башоратчиси сифатида кўриб чиқишга имкон бермайди.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:**

Бачадон бўйни шиллиқ қавати интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларни бошқариш тактикасини ишлаб чиқишда VEGFA (G634C) ва MMP 9 (A279G) гени генотипларининг ноқулай вариантларини аниқлаш учун текширув ўтказиш керак;

VEGFA (G634C) ва MMP 9 (A279G) ген генотипларининг функционал жиҳатдан ноқулай вариантларини ташувчиси бўлган беморлар бачадон бўйни дисплазияси ривожланиши учун хавф гуруҳига киритилиши керак, чунки дисплази бўлган беморлар гуруҳи ва геннинг генотиплари ва генотиплари ташувчисида сезиларли фарқлар аниқланди, рақ олди касалликлари бўлмаган аёллар Ўзбекистонда цервикал дисплазиясини шаклланиш механизми ва ривожланиш хавфининг ошишига катта ҳисса қўшганлигини исботламоқда, беморларнинг ушбу гуруҳида зарур терапевтик ва диагностика тадбирларини ўтказиш бачадон бўйни саратонининг олдини олишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цервикал дисплазияси бўлган беморларда биринчи марта анамнезида уч ёки ундан ортиқ туғиш кўрсаткичи ва бачадон бўйни шиллиқ қаватининг ўртача дисплазияси шаклланиши частотаси ўртасида боғлиқликни аниқлаш билан изоҳланади; турли оғирлик даражали бачадон дисплазияси билан беморларда, гуруҳлараро фарқларсиз, жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг юқори частотаси; ИПВ ни ташиш таҳлили турли оғирлик даражали бачадон шиллиқ қавати дисплазияси бўлган беморларда ИПВ паст частотасини кўрсатди; дисплазияси бўлган беморлар гуруҳи ва раколди касалликлари бўлмаган аёллар гуруҳи ўртасида VEGFA (G634C) ва MMP-9 (A279G) генининг аллеллари ва генотипларини ташишда сезиларли фарқлар аниқланди, бу уларнинг бачадон бўйни дисплазияси шаклланиш механизмларига ва ушбу ҳолатнинг Ўзбекистонда ривожланиш хавфининг ошишига катта ҳисса қўшишини исботлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бачадон бўйни шиллиқ қавати интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларни бошқариш тактикасини ишлаб чиқишда VEGFA (G634C) ва MMP 9 (A279G) гени генотипларининг ноқулай вариантларини аниқлаш учун текширув ўтказиш керак; VEGFA (G634C) ва MMP 9 (A279G) гени генотипларининг функционал жиҳатдан ноқулай вариантлари бўлган беморлар бачадон бўйни дисплазияси ёмон сифатлига ўтиши хавфи остида деб таснифланиши керак.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазиясининг клиник-генетик прогнозларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида "Бачадон бўйни рак олди касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари" услубий тавсияномаси тайёрланди ва тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 майдаги №8н-з/260сонли хулосаси). Илмий натижаларни жорий этиш жарроҳлик аралашувларнинг частотасини, бачадон бўйни саратони рецидивининг пайдо бўлишини ва малигнизацияларнинг частотасини камайтиришга имкон берди;

Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларга индивидуал ёндошиш масаласи бўйича олинган илмий натижалар асосида "Ayollarda bachadon bo`yni servikal intraepitelial neoplaziyaning davolash algoritmi" услубий тавсияномаси тайёрланди ва тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 майдаги №8н-з/260 сонли хулосаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларнинг генетик тадқиқотлари, даволаш ва кузатиш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берди.

Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларда айрим молекуляр-генетик маркерларни прогностик аҳамиятини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Самарқанд вилоят перинатал маркази, "Восточная медицина" НИИ га жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 майдаги №8н-з/260

сонли хулосаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган аёлларни олиб бориш ва даволаш тактикасини яхшилашга имкон берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 12 та мақола, улардан 9 та республика ва 3 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумот берилган

Диссертациянинг **"Бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийсининг интраэпителиал неоплазиялари шаклланиши, касалланган беморларн, диагностикаси ва бошқариш тамойиллари тўғрисида замонавий қарашлар"** номли биринчи бобида бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийсининг интраэпителиал неоплазиялари шаклланишида инсон папилломавирусининг юқори онкологик хавфи сифатидаги этиологик роли тўғрисида, бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийсининг интраэпителиал неоплазиялари оғирлик даражаси прогрессиясида молекуляр-генетик маркерлар аҳамияти ва ушбу патологияга эга беморларни ташхислаш ва бошқариш тамойиллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** номли иккинчи бобида тадқиқотда қўлланиладиган асосий тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган.

Тадқиқот иши 2018 йилдан 2021 йилгача Самарқанд шаҳридаги вилоят перинатал маркази базасида олиб борилди, тадқиқотда енгил ва

ўртача оғирликдаги бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси бўлган 23-49 ёшдаги 102 нафар беморни (асосий гуруҳ) клиник ва лаборатория текшируви маълумотлари келтирилган. Назорат гуруҳи нормал кольпоскопик кўринишли, интраэпителиал неоплазия ва малигнизация хулосаси салбий 96 аёлларнинг ўхшаш маълумотларидан иборат бўлди. Асосий гуруҳдаги беморлар гинекологик текширув, жинсий аъзолар ултратовуш текшируви, кенгайтирилган колпоскопия, Паппаниколау суртмаси ўз ичига олган кенг қамровли текширувдан ўтган 1896 аёлдан танлаб олинди.

*Тадқиқотга киритиш мезонлари* репродуктив ёшдаги бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп ясси эпителийси (КЯЭ) енгил ва ўртача дисплазиясининг гистологик хулосаси бўлган беморлар бўлди.


*Тадқиқотдан чиқариш мезонлари* қуйидагилар эди: жинсий ҳаёт 3 йилдан камлиги, ҳомиладорлик, лактация, туғруқдан кейинги давр, менопауза, орал контрацепция (ОС) ва менопаузал гормонал даволаш (МГД) олаётган аёллар, ҳар қандай локализациядаги онкологик касалликлар.

Тадқиқотда умумий клиник, гинекологик текширувлар, лаборатория, ультрасонографик, жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг ПЗР диагностикаси, сийдик йўллари, қин ва бачадон бўйни каналидан ажралмаларнинг микроскопияси, кольпоскопия, цитологик текширув, бачадон бўйни биоптатларининг гистологияси ва молекуляр-генетик тадқиқотлар қўлланилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Excel электрон жадвал процессори ёрдамида параметрик статистика, корреляция, кўп ўзгарувчан таҳлил ва прогнозлашнинг умумий қабул қилинган усуллари ёрдамида амалга оширилди. Нол статистик гипотезанинг ишончлилиги Стьюдентнинг t мезони билан 95% ( $p < 0,5$ ) даражасида баҳоланди.

Диссертациянинг "**Хусусий тадқиқотлар**" номли учинчи бобида текширилган аёлларнинг клиник ва лаборатория хусусиятлари берилган.

**1-расм**



Текширилганларнинг асосий контингенти 30-39 ёш гуруҳида - асосий гуруҳда 45 нафар ( $42,9 \pm 1,12\%$ ) ва назорат гуруҳида 24 нафар ( $43,6 \pm 1,5\%$ ) аёллар бўлган. 23-29 ёш гуруҳида сезиларли фарқ бўлмади, бу асосий гуруҳда 42 ( $40,0 \pm 1,19\%$ ) аёлни, назорат гуруҳида эса 21 ( $38,2 \pm 1,17\%$ ) аёлни ташкил этди. 40-49 ёш гуруҳида бу кўрсаткичлар асосий гуруҳда 18 та ( $17,1\%$ ) бемор ва назорат гуруҳида 10 та ( $18,2\%$ ) бемор бўлди.

Текширилаётган аёлларда менархнинг бошланишининг ўртача ёши  $14,4 \pm 1,5$  ёшни ташкил этди. 1 ва 2 гуруҳларида ҳам аёлларнинг аксарияти 34 ( $70,8 \pm 6,6\%$ ) ва 30 ( $55,6 \pm 6,8\%$ ) менархнинг 15-17 ёшда бошланишини қайд этишди, бу назорат гуруҳидаги бачадон бўйни патологияси бўлмаган аёллардагига қараганда ишончли тарзда,  $p < 0,05$ , кўп бўлди.

Назорат гуруҳи аёлларининг деярли 95% да 91 ( $94,8 \pm 2,3\%$ ) аёлда ҳайз кўриш дарҳол бир маромда давом этган. Ҳолбуки бачадон шиллик қаватининг ўртача дисплазияси бўлган ҳар 10 - беморда ҳамда бачадон шиллик қаватининг енгил дисплазияси бўлган фақат 5 ( $9,3 \pm 3,9\%$ ) ва 8 ( $12,5 \pm 4,8\%$ ) беморда бир маромда давом этган, бу назорат гуруҳига қараганда ишончли тарзда,  $p < 0,005$ , анча кам бўлган.

Текширилган аёлларнинг жинсий фаоллигини таҳлил қилиш учун жинсий функциянинг баъзи кўрсаткичлари ўрганилди.

1 гуруҳ, n= 48



2 гуруҳ, n=54



Назорат гуруҳи,  
n=96




## 2-Расм.Текширилган аёлларнинг жинсий ҳаёти бошланган ёши

2-расм маълумотларига кўра, сўровда иштирок этган аёлларнинг 1-гурухда аксарияти 32 (59,3 ±6,7%) ва 2-гурухда ярмидан кўпи 22 (45,8 ±7,2%) 18-19 ёшда турмуш қуришган, бу назорат гуруҳига нисбатан ишончли тарзда,  $p < 0,05$ , анча кўп.

Текширилганларнинг оилавий аҳволи таҳлили шуни кўрсатдики, бачадон бўйни шиллиқ қавати дисплазияси билан оғриган беморлар орасида, назорат гуруҳида ҳам турмуш қурган аёлларнинг нисбатан устунлик қилиш тенденцияси кузатилди, мос тарзда 79,2 ± 5,9%, 70,4 ±6,2% ва 51,0%.

Енгил дисплази бўлган ҳар 8-бемор, ўртача дисплазияси бўлган ҳар 6-бемор назорат гуруҳининг ва назорат гуруҳидан атиги 2 аёл энг яқин қариндошлари орасида турли хил онкопатология (кўкрак беши саратони, ичак саратони, мия саратони) мавжудлигини кўрсатдилар. Бироқ, бу фарқлар ишончли бўлмади.

Назорат гуруҳида барча аёлларда анамнезиди ҳомиладорлик бўлган. Ҳолбуки, 1 ва 2 гуруҳларида 48 (87.5 ±4.8%) ва 50 (92.6 ±3.6%) беморларда қайта ҳомиладорлик бўлиб, ишончли тарзда,  $p < 0,05$ , сезиларли даражада кам эди. Шундай қилиб, қайтатуғувчилар 31(64.6 ±6.9%) ва 32 (59.3 ±6.7%),  $p < 0,001$ . Бундан ташқари, анамнезида 3 ёки ундан ортиқ туғишлар сони 2-гурух беморларида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўп учради,  $p < 0,05$ .



## Расм-3. Генератив анамнез маълумотлари

Жадвалда кўрсатилганидек, дисплазия бор беморларда акушерлик анамнези сезиларли даражада оғирлашган. Шу жумладан, ўз-ўзидан ҳомила тушиши, ривожланмаган ҳомила, бачадондан ташқари ҳомиладорлик, шунингдек 3 ёки ундан ортиқ тиббий абортлар фақат 1 ва 2 гуруҳларда

кузатилди. Назорат гуруҳида аёллар бундай ҳолатларни кўрсатмадилар. Енгил дисплазияси бўлган 10 нафар ( $20,8 \pm 5,9\%$ ) беморда, назорат гуруҳида 5 нафар ( $5,2 \pm 2,3\%$ ), тиббий абортлар ўтказилган,  $p < 0,05$ .

Машҳур ва кенг қўлланилган контрацепция усуллари орасида бачадон ичи контрацептивлари (БИВ) ишлатилган.

Текширилган аёлларнинг соматик статуси таҳлили асосий гуруҳ аёлларида кўпроқ оғирлашишни кўрсатди.

Текширилаётган беморларда ўтказилган гинекологик патологияни ўрганиш маълумотларини таҳлил қилиш турли хил оғирликдаги дисплазияси бўлган беморларнинг анамнезига сезиларли оғирлашишни кўрсатди.

1-жадвалда текширилган аёллар ўтказган гинекологик касалликларнинг таҳлили келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, дисплазия билан касалланган беморларнинг гинекологик анамнези кўпроқ оғирлашиш бўлган.

### 1-жадвал


#### Текширилган аёлларда ўтказилган гинекологик патология структураси ( $M \pm m$ ), бем. (%)

Касаллик	1 гуруҳ, n= 48		2 гуруҳ, n=54		Назорат гуруҳи, n=96	
	n	%	n	%	n	%
Эндометрит, бачадон ва ортикларининг яллиғланиши	14	(29,2±6,6%) *	22	(40,7±6,7%) *	5	(5,2±2,3%)
Генитал хламидиоз, уреоплазмоз	11	(22,9±6,1%) *	16	(29,6±6,2%) *	5	(5,2±2,3%)
Ҳайз циклининг бузилиши	9	(18,8±5,6%) *	15	(27,8±6,1%) **	3	(3,1±1,8%)
Тухумдонлар кистаси	2	(4,2±2,9%)	5	(9,3±3,9%)	-	-
I бепуштлик	2	(4,2±2,9%)	3	(5,6±3,1%)	-	-
II бепуштлик	5	(10,4±4,4%)	9	(16,7±5,1%)	-	-
Бачадон бўйни яллиғланиши	19	(39,6±7,1%) **	27	(50±6,8%) **	3	(3,1±1,8%)
Бачадон бўйни диатермокоагуляцияси	7	(14,6±5,1%)	16	(29,6±6,2%) **	3	(3,1±1,8%)
Бачадон бўйни кимёвий коагуляцияси	6	(12,5±4,8%)	9	(16,7±5,1%)	-	-

Изоҳ: \*-p < 0,05, \*\*-p < 0,005, \*\*\*-p < 0, назорат гуруҳи билан таққослаганда фарқлар ишончлилиги; ^- p < 0,05, ^^-p < 0,005, ^^ p < 0,001 1 ва 2 гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги

Шунингдек, 1- гуруҳ ҳар 5- ва 2-гуруҳ ҳар 2-беморларида илгари ҳайз цикли бузилиши бўлган - 9 ( $18,8 \pm 5,6\%$ ) ва 15 ( $27,8 \pm 6,1\%$ ), бу назорат гуруҳидаги ҲЦБ частотасига нисбатан сезиларли даражада тез учради, мос равишда  $p < 0,05$  ва  $p < 0,001$ .

Барча текширилган аёлларда бактерио-вирусли инфекция борлиги учун бачадон бўйни секретини суртмаси ПЗР усулида текширилди, натижалари 6-жадвалда келтирилган.



**Расм-4. Текширилган аёлларда бактерио-вирусли инфекция структураси**

4-расмдан кўришиб турибдики, энг кўп тарқалган инфекция уреоплазмоз бўлиб - барча беморларнинг 3/4 қисмида ва 1-гурӯҳда 35 (72,9 ± 6,4%) ва 2-гурӯҳда 39 (72,2 ± 6,1%) беморларда аниқланди.

Генитал микоплазмоз мос равишда 1-гурӯҳда 4 (8,3 ± 3,98%) ва 2-гурӯҳда 11 (20,4-гурӯҳда 5,5%) беморларда аниқланган. Енги дисплазияси бўлган беморларда гарднереллез ҳар 5-беморда, ўртача дисплазияси бўлган беморларда эса беморларнинг деярли ярмида 24 (44,4±6,8%) ташхисланди.

Кольпоскопик текширув натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Текширилган аёлларда кольпоскопик белгилар структураси (M±m), бем. (%)**


	Кольпоскопик белгилар	Асосий гурӯҳ, n= 102	%	Назорат гурӯҳи, n= 96	%
1	Нормал кольпоскопик ҳолат:				
	Оригинал МПЭ	-	-	12	12,5
	Эктопия	-	-	26	27,1
	Нормал трансформация соҳаси	-	-	84	87,5
2	Атипик кольпоскопик ҳолат	102	100		
А.	Трансформация зонасида:				
	Ацето-оқ эпителий	64	62,7	-	
	Лейкоплакия (нозик, дағал)	16	15,7	-	

	Мозаика (нозиқ, дағал)	25	24,5	-	
	Пунктуация (нозиқ, дағал)	19	18,6	-	
	Йоднегатив зоналар	67	65,7	-	
	Атипик томирлар	19	18,6	-	
Б.	Трансформация зонасидан ташқарида:				
	Ацето-оқ эпителий	47	46,1	-	-
	Лейкоплакия	18	17,6	-	-
	Мозаика	19	18,6	-	-
	Пунктуация	37	36,3	-	-
	Йоднегатив зоналар	70	68,6	-	-
	Атипик томирлар	26	25,5	-	-
3	Carcinoma in situ	-	-	-	-
4	Қониқарсиз кольпоскопик ҳолат:				
	МПЭ ва ЦЭ кесинмаси кўринмайди	58	56,9	-	-
	Эктропионлар	36	35,3	-	-
	Чин эрозиялар	9	8,8	-	-
	Бошқа (аралаш) кўриниш	-	-	-	-
	Кондиломатоз НПО	102	100	-	-
5	Папилломатоз НПО	-	-	-	-
	Лейкоплакия НПО	-	-	-	-

Асосий гуруҳ аёлларидаги кольпоскопик кўриниш атипик кольпоскопик белгилар билан ажралиб турди. Бу гуруҳда энг кўп трансформация зонасида – 80 (78,4%) ёки трансформация зонасидан ташқарида – 71 (69,6%) атипик кольпоскопик кўриниш белгилари бўлди (рис 2-6).




Расм.1. Бемор С., 28 ё. бачадон бўйни эктопияси.



Расм. 2. Бемор М., 35 ёш. Нормал колпоскопик нақш. Ацетобел эпители, кўпол тиниш белгилари, бачадон бўйни каналининг полипозси.



Расм.3. Бемор Р., 41ёш. Атипик трансформация зонаси. Ацетобел эпителийси.



Расм.4. Бемор Р., 41ёш. атипик зонаси трансформация. Ёод салбий зонадир.




Расм.5. Бемор Ю., 44ёш. Қўпол мозаиканинг колпоскопик сурати.



Расм. 6. Бемор А., 28 ёш. Атипик зонаси трансформация. Тиниш белгилари.


Барча текширилган беморлар суртмалари Папаниколау усулида цитологик текширувдан ўтказилди. Цитологик текширишнинг олинган натижалари 5-жадвалда келтирилган




## Расм-5. Текширилган аёлларда цитологик текширув натижалари

ПАП тестлари LSIL/CIN1 тоифасига тўғри келди. Бўялган суртмаларда кўп қаватли ясси эпителийнинг оралиқ ва юза қатлами хужайраларида шикастланиш кузатилди. Ушбу шикастланишлар ядро ўлчамининг номутаносиб ўсиши (ядро хужайра майдонининг ярмидан камини эгаллайди), ядронинг нотекис контурлари ва шакллари, ядроларнинг гиперхромияси, икки ядролилик, хроматиннинг нотекис конденсацияси, ядро мембранасининг қалинлашиши, ядрочаларнинг сони, ўлчами ва шаклидаги аномалия, цитоплазматик бўшлиқ (койлоцит), кератинизация кузатилди.

Ядроларнинг ўртача ёки аниқ гиперхромияси, хроматиннинг бироз дағаллиги, патологик кератинизация ҳам қайд этилди (7-8-расм).



Расм.7. Бемор Ю., 38 ёш. паст даражадаги Скуамоз интраэпителиал шикастланишлар. (LSIL/CIN 1).






Расм. 8. Бемор З., 28 ёш. Юқори даражадаги скуамоз интраэпителиал узгаришлар (HSIL /CIN 2).

БИОПСИЯЛАР СОНИ.  
n=124



## Расм-6. Гистологик тадқиқотлар натижаларининг тузилиши

Назорат сифатида цервикал пластик жарроҳлик ёки уни олиб ташлашни талаб қиладиган бачадон бўйни элонгацияси (12), ески бачадон бўйни йиртилиш (3), бачадон миомаси (4) учун операция қилинган 5 беморнинг цервикслари назорат сифатида хизмат қилди

		
<p>Расм.9. С., 42 ёш Нормал гистологик расм кин қисмидаги бачадон бўйининг бир қисми. КЯЭ и ЦЭ. Ок10х Об10</p>	<p>Расм.10. Ю., 43 ёш. Кучсиз (койлоцитарная) дисплазия КЯЭ бачадон бўйни. Паракератоз. Ок10х Об20.</p>	<p>Расм.11. Р., 46 ёш. Уртача дисплазия КЯЭ. юза қатламлари ўзгаришсиз бўлади. Гематоксилин-эозиннинг бўялиши. Ок15Хоб40.</p>

48 (47,1%) беморларда енгил дисплази билан бир хил кўпайиш кузатилади. Эпителий тўқимасининг полиморф пролифератив ўзгаришлари ривожланиш давомида аниқланади, ҳужайра ядролари гиперхром бўлади.

Базал қатламда ҳужайралар сони кўпаяди, сохта ёки атипик митозлар юзага келади. Цитоплазмаси базофил, ядролари анча катта бўлади. Ҳужайраларнинг жойлашиши бузилади. Шу билан бирга, базал мембранаси ўз тузилишини сақлаб қолади.

Шуни таъкидлаш керакки, гистологик текширув пайтида ўртача дисплазия ҳолатида эпителийнинг юза қатламлари бир текис пролиферацияланади ва гиперплазиянинг барча морфологик белгиларини – ҳужайраларнинг бир текис катталаниш тартибини сақлайди. Уларнинг орасида ядроси бўлмаган ҳужайралар ёки гиперхром ядрога эга ҳужайралар учрайди. Цитоплазма вакуолизланган. Шу билан бирга кўп қаватли ясси эпителийнинг юза қатламлари ўзгармайди. Бачадон бўйни ўртача дисплазияси ҳолати кўп қаватли ясси эпителийнинг пастки қатламларининг шикастланиши билан тавсифланади, базал мембранаси эса бузилмасдан қолади.


Бачадон бўйни биоптатларини гистологик текшириш натижаларини таҳлил қилиш ва уларни цитология маълумотлари билан таққослаш ПАП тестининг етарлича юқори спецификлигини кўрсатди.

Диссертациянинг "Бачадон бўйни шиллик қаватининг цервикал интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларда молекуляр-генетик полиморфизмларни ўрганиш натижалари" номли тўртинчи бобида бачадон бўйни цервикал интраэпителиал неоплазияси билан оғриган беморларда VEGFA (G634C) полиморф вариантнинг хусусиятлари ва роли ўрганилди.


Цервикал интраэпителиал неоплазия бўлган беморларда VEGFA (G634C) ген полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари нисбатларининг тақсимланишини таҳлил қилиш (беморларнинг асосий гуруҳи: CIN1 и CIN2) назорат гуруҳи билан солиштирганда G аллел ташувчисининг 80,7% дан 72,1% гача пасайиши ва С аллел ташувчисининг 19,3% дан 27,9% гача ўсиши аниқланди. Ушбу хусусиятларга мувофиқ, генотипларнинг учта вариантынинг ташувчи фракцияларида ҳам ўзгаришлар аниқланди.

Беморларнинг асосий гуруҳидаги аллеллар ва генотипларнинг тарқалиши уларнинг назорат гуруҳидаги тарқалишидан жуда сезиларли даражада фарқ қилди, CIN2 нинг ҳосил бўлиши, бу кичик С аллелини ташувчилар ва VEGFA (G634C) генининг G/C/C вариантынинг генотиплари улушининг кўпайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатиши мумкин (9-жадвал).

Генотиплар тақсимланиши частотаси  
G/G, G/C, C/C




Аллеллар частотаси  
G, C



### Расм-7. Цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда VEGFA (G634C) гени полиморфизмининг аллеллар ва генотиплар улуши тақсимланишининг хусусиятлари

Беморларнинг асосий гуруҳида G ва C аллелларининг частотасида уларнинг фракцияларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар мавжуд бўлиб, G аллелларини ташиш ҳолатларининг пасайиши билан тавсифланади ( $\chi^2 = 4.107$ ;  $p = 0.045$ ;  $OR = 0.616$ ; 95% CI: 0.386 - 0.984) ва C аллелини ташиш ҳолатларининг беморлар орасида 1,6 мартага кўпайиши кузатилди ( $\chi^2 = 4.107$ ;  $p = 0.045$ ;  $OR = 1.624$ ; 95% CI: 1.016 - 2.596).




**Расм-8. Цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда VEGFA (G634C) гени полиморфизмининг аллеллар ва генотиплар частотаси тақсимланишини ўрганиш натижалри**

Бинобарин, юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, 2 - гуруҳда- VEGFA (G634C) ген полиморфизми бўйича CIN2 билан оғриган беморларда дисплазия ривожланишига нисбатан G аллел варианти ва G/G генотипик варианти протектив таъсирининг ишончли тарзда даражада камайиши кузатилади.

Шу билан бирга, аллел C ( $\chi^2=9.431$ ;  $p=0.001$ ; OR=0.366; 95% CI: 0.193-0.695) ва генотиплар G/C ( $\chi^2=9.009$ ;  $p=0.001$ ; OR=0.276; 95% CI: 0.119-0.64) статистик жиҳатдан CIN2 ривожланишига хавфнинг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқ бўлди, ҳолбуки гуруҳлар ўртасида мутант C/C генотипига нисбатан ҳеч қандай муҳим фарқлар топилмади ( $\chi^2=0.746$ ;  $p=0.406$ ; OR=0.533; 95% CI: 0.128-2.223).

Шундай қилиб, CIN1 ва CIN2 билан касалланган беморларда (асосий гуруҳ) VEGFA (G634C) генининг полиморфизм хусусиятларини ўрганиш натижасида олинган натижалар C аллелини ташувчилик CIN ривожланиш хавфининг 1,6 марта ошиши ўртасида статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлади, шунингдек, ноқулай генотиплар G/C ва C/C ташувчиларида касаллик хавфини 1,43 марта ва 2,2 мартадан кўпроқ ошиши мойиллик аниқланди.

Кейин биз бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларда COL1A1 (C1997A) генининг полиморф вариантнинг хусусиятлари ва ролини ўрганиб чиқдик .




Группы	АЛЛЕЛИ	ГЕНОТИПЫ
Основная группа с CIN, n=102	A: $\chi^2=0.042$ ; p=0.846; OR=1.063; 95%CI: 0.593 - 1.907	C/C: $\chi^2=0.008$ ; p=0.933; OR=0.97; 95%CI: 0.498 - 1.891; C/A: $\chi^2=0.003$ ; p=0.961; OR=0.982; 95%CI: 0.513 - 1.881; A/A: $\chi^2=0.418$ ; p=0.7; OR=1.424; 95%CI: 0.235 - 8.622.
CIN 1, n=48	A: $\chi^2=0.407$ ; p=0.531; OR=0.777; 95%CI: 0.358 - 1.687	C/C: $\chi^2=0.502$ ; p=0.485; OR=1.365; 95%CI: 0.577 - 3.228; C/A: $\chi^2=0.54$ ; p=0.473; OR=0.714; 95%CI: 0.291 - 1.754; A/A: $\chi^2<3.84$ ; p>0.5.
CIN 2, n=54	A: $\chi^2=0.748$ ; p=0.405; OR=1.336; 95%CI: 0.693 - 2.576	C/C: $\chi^2=0.578$ ; p=0.46; OR=0.748; 95%CI: 0.354 - 1.581; C/A: $\chi^2=0.317$ ; p=0.59; OR=1.25; 95%CI: 0.575 - 2.71882; A/A: $\chi^2=0.35$ ; p=0.568; OR=1.808; 95%CI: 0.254 - 12.862.

### Расм-9. Цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда COL1A1 (C1997A) гени полиморфизмининг аллеллар ва генотиплар улуши тақсимланишининг хусусиятлари

Шундай қилиб, CIN билан касалланган аёллар гуруҳида ва назорат гуруҳида С аллели 86,3% ва 87,0% ҳолларда, А аллели эса мос равишда 13,7% ва 13,0 ҳолатларда аниқланди. Шу билан бирга, генотипик вариантларга нисбатан тегишли тақсимот кузатилди: CIN билан касалланган беморлар гуруҳида C/C, C/A ва A/A генотиплари мос равишда 75,5%, 21,6% ва 2,9% беморларда, соғломлар орасида эса мос равишда 76,0%, 21,9% ва 2,1% ҳолатларда аниқланди.

Назорат билан солиштирганда CIN билан касалланган аёллар умумий гуруҳи орасида, аллел С ( $\chi^2=0.042$ ; p=0.0846; OR=0.941; 95%CI: 0.526 - 1.683) ва А ( $\chi^2=0.042$ ; p=0.846; OR=1.063; 95%CI: 0.593 - 1.907) частотаси жиҳатидан фарқлар статистик ишончли бўлмади .



**Расм-10.Цервикал интраэпителиал неоплазияли беморларда COL1A1 (C1997A) гени полиморфизмининг аллеллар ва генотиплар частотасининг қиёсий таҳлили**


